

Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирининг
20__ йил ____ ____ даги
____-сонли буйруғига
____-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
Таълим муассасалари ва соҳани методологик таъминлаш
бошқармаси раҳбар-ходимларининг
ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ**

I. Умумий қоидалари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Таълим муассасалари ва соҳани методологик таъминлаш бошқармаси (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) бошлиғининг лавозим мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарликларини белгилаб беради.

1.2. Бошқарма ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликнинг буйруқлари ва Ҳайъати қарорлари ҳамда вазирлик фаолиятига оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўзлаштириб боради, уларга амал қилади.

1.3. Бошқарма бошлиғи лавозимида олий маълумотли, соҳада камида етти йиллик иш стажига эга бўлган, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида содир бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб борадиган, соҳага оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тушунган, етарли билимга эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

1.4. Бошқарма бошлиғи иш юритишнинг замонавий воситаларидан (компьютер, факс, ксерокс, сканер, интернет) фойдаланишни билиши талаб этилади.

1.5. Бошқарма бошлиғи бошқарманинг фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазирга бўйсунди.

II. Бошқарма бошлиғининг вазифалари ва функциялари

2.1. Бошқармаси бошлиғи қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

2.1. Бошқарма бошлиғи ўз хизмат фаолияти давомида тўғридан-тўғри Маданият вазири ва вазирнинг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2.2. Бошқарма фаолиятига бевосита умумий раҳбарликни амалга оширади.

2.3. Бошқармага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этади, назорат қилади ва мувофиқлаштиради.

2.4. Бошқарма бошлиғи маданият ва санъат соҳаси олий касбий маълумотга эга бўлиши;

етти йилдан кам бўлмаган соҳа бўйича иш стажига эга бўлиши керак.

2.5. Истисно ҳолларида Таълим муассасалари ва соҳани методологик таъминлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида маданият ва санъат соҳасидаги олий касбий

маълумотга эга бўлмаган шахс, беш йилдан кам бўлмаган соҳада ишлаган иш стажидан мавжуд бўлиши шарт билан тайинланиши мумкин.

2.6. Бошқарма бошлиғининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) тегишли таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони, «Ijro.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг котибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

6) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Вазир ва (ёки) ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

12) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, коррупцияга қарши, молиявий, иқтисодий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон ва «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

15) Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар ходимлари ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

16) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

17) давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) тегишли таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонида, «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорига, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг қотибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

6) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқирилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Вазир ва (ёки) ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон

Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

12) Вазирликка такдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, коррупцияга қарши, молиявий, иқтисодий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон ва «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

15) Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар ходимлари ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

16) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

17) давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

2.7. Бошқарма бошлиғи ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Вазирлик ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан мунтазам назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири (кейинги ўринларда — Вазир) ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ва фармойишлари амалга оширилишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади;

Вазирлик томонидан Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти мониторинги олиб борилишини ташкил этади;

маданий фаолият соҳасини ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига кўмаклашади;

Вазирликнинг фаолияти, шу жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида маданий фаолият соҳасидаги тенденциялар тўғрисида Вазирлик раҳбарияти учун ахборотни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади;

маданий фаолият соҳасидаги масалалар бўйича тадбиркорлик субъектларига ахборот, методик, ташкилий ва маслаҳат ёрдамини беради;

Вазирлик ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-ҳўжалик масалалари ва бошқа масалалар билан шуғулланади;

Вазирликнинг худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини назорат қилади ва таҳлил этади;

Вазирликнинг худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилишини таъминлайди;

Вазирликнинг худудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

нодавлат маданият ва санъат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради ва методик ишларни ташкил этади;

идоравий мансуб таълим муассасаларда таълим ва тарбия сифати мониторингини олиб боради;

идоравий мансуб таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика бюджетидан молиялаштириладиган идоравий мансуб ташкилотларда молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади;

Вазирлик, худудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларда ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этади ҳамда амалга оширади;

худудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларни моддий-техник таъминлашни ташкил этади;

худудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотларнинг бинолари ва иншоотларидан жорий фойдаланиш бўйича ишлар мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

jisмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

хорижий инвестициялар жалб этилишини ва халқаро ҳамкорликни ташкил этади.

III. Бошқарма бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Бошқарма бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган маданият масалалари бўйича материаллар ва маълумотларни Вазирликнинг ҳудудий маданият органларидан ва идоравий мансуб ташкилотлардан сўраш ва олиш;

Вазирликда кўриб чиқиладиган маданият соҳасига оид масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлганда Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларидан ўзлари томонидан киритилган маданият бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлашни талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни қайта ишлаш учун қайтариш;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига тезликда ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Вазирликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан топшириқлар бериш;

маданият соҳасида давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари бажарилиши бўйича ҳудудий маданият органлари, идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Вазирликнинг буйруқлари Вазирликнинг ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш ҳуқуқига эга.

3.2. Вазирлик раҳбариятига бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, хизмат бурчини ўтишдаги камчиликлари учун интизомий чоралар кўриш, ишга қабул қилинадиган бошқарма ходимлари номзодлари бўйича таклифлар киритади.

3.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга оширади.

Бошқарма бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. Бошқарма бошлиғи ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

IV. Бошқарма бошлиғининг бошқа таркибий тармоқлар билан ўзаро ҳамкорлиги

4.1. Бошқарма бошлиғи ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва соҳа ривожига оид тегишли маълумотлар олади.

V. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг вазифалари ва функциялари

5.1. Бошқарма бошлиғи раҳбарлиги остида иш олиб боради.

5.2. Бошқарма бошлиғи томонидан юклатилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлайди.

5.3. Ўзига юклатилган функционал вазифага жавоб беради.

5.4. Вазирликнинг Ички меҳнат тартиб қоидалари, Бошқарманинг Низоми, вазир томонидан тасдиқланган иш (*вазифалар*) тақсимоти ва мазкур лавозим йўриқномасига сўзсиз амал қилади.

5.5. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

бошқарма бошлиғи бўлмаганда унинг вазифаларини бажаради;

вазирлик тизимидаги таълим муассасалари (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ишларини раҳбар топшириғига асосан мувофиқлаштиришга ва ташкил қилишга қўмаклашади;

ташкилотларнинг таълим ишлари аҳволини ўрганади, таҳлилий хулосалар тайёрлайди, таълим ишларини ташкил этилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатади;

таълим муассасаларини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларининг аҳволи ҳақида таҳлилий маълумотлар, билдиришномалар тайёрлайди ва уларни бошқарма бошлиғига тақдим этади;

худудий бошқармалар ва Республика ташкилотларининг тегишли ҳужжатлари ва маълумотларини қабул қилади, умумлаштиради ҳамда ваколат доирасида соҳага оид ишларни амалга оширилишини назорат қилади;

раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради;

вазирлик худудий бошқармалари ва тегишли республика ташкилотларининг ходимларга бўлган талабларини ўрганиб чиқади ҳамда улар юзасидан маълумот тайёрлайди;

тизим ташкилотларнинг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истикболли режаларини ишлаб чиқиш ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилиш;

вазирлик ваколатида театр ва цирк санъатини ривожлантирилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёхуд ишлаб чиқишда иштирок этиш;

вазирлик тизимидаги худудий маданият бошқармалари, ташкилот ва муассасаларида юридик хизмат фаолиятини ўрганиш, ўрганишда камчиликлар аниқланган тақдирда уни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

бошқарманинг иш режасида белгиланган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли ижросини таъминлаш;

бошқарма ижрочиси сифатида белгиланган ҳужжатларнинг ижро этилиши ҳолати бўйича кунлик мониторинг юритиш.

5.6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

5.7. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ҳар куни Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси тақдим этган ҳужжатлар ҳолати юзасидан берилган ахборот асосида ижроси назоратга олинган ҳужжатлар бажарилишини таъминлайди;

ижро интизоми мониторинги ва мурожаатларнинг кўриб чиқилишини ўрнатилган муддатларда таъминлаш юзасидан мутассадди ходимлар билан биргаликда зарурий амалий чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

бошқарма таркибини ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, бошқарма фаолиятига оид муҳим масалалар ҳақида вазирга мунтазам равишда ахборот беради,

муסיқа ва санъат мактабларида «устоз-шогирд» анъаналарини ривожлантиради ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокида ижодий учрашувлар ташкил этишда кўмаклашади;

таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўради;

жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларини, хорижий мамлакатларда маданият ва санъатни ривожлантиришнинг илғор тажрибасини умумлаштиради;

ушбу ютуқларнинг соҳада жорий этилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда маданият ва санъат соҳасида илмий тадқиқотлар ривожланишига кўмаклашади;

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлайди;

ҳар йили олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш борасида маданият ва санъат соҳасида таклифларни шакллантиради;

ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишга, педагогик технологияларни Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнига истиқболли жорий этишга таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини, педагогик жамоатчилиқни жалб этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

маданият соҳасида мутахассисларни маънавий ва моддий рағбатлантириш бўйича касб маҳорати танловлари ўтказишга, тегишли чора-тадбирларни белгилайди;

таълим, илмий-тадқиқот, хорижий ва халқаро ташкилотлар иштирокида узоқ муддатли дастурлар, лойиҳалар, режаларни ишлаб чиқишда, уларни бажариш бўйича асосий талабларни белгилашда кўмаклашади;

кадрларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини ташкиллаштиради;

Вазирлик тизими кадрлари малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлашни, тажриба орттиришларини ва аттестациядан ўтказишни таъминлашда кўмаклашади;

мамлакатимиз таълим муассасаларида дарс бериш ва маҳорат дарсларини ўтиш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочиларини ҳамда маданият ва санъат арбобларини, етук педагог-мутахассисларини таклиф қилади;

маданият ва санъат бўйича ўқув дастурлари, қўлланмалар ва бошқа илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек, уларни тасдиқлашда бошқарма бошлиғига кўмаклашади;

соҳада профессионал малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, педагог кадрларнинг салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштиради;

мактабгача таълим муассасаларида бошланғич муסיқа тушунчаларини шакллантирувчи (фольклор муסיқа, академик мумтоз муסיқа, эстрада муסיқаси) махсус адабиётлар яратилишини таъминлайди ва болалар ижро репертуарини шакллантиради;

соҳадаги бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълимнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш ҳамда таълим сифатини ошириш чораларини кўради, унинг пировардида истеъдодли ижодкорларни етиштиради;

соҳада илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, илмий натижаларни амалиётга жорий этиш ҳамда санъат аҳлининг меҳнат ва ижод шароитини яхшилаш чораларини кўради;

жаҳоннинг машҳур маданият ва санъат муассасалари билан тажриба алмашиш ва малака ошириш тизимини кенгайтиради;

хорижий ва миллий анъанавий таълим тизимининг энг яхши ютуқларидан, шунингдек, соҳада таълимни ривожлантиришга асосланган технологиялардан кенг фойдаланиш чораларини кўради;

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда қатнашади;

идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда ва уларни ахборот билан таъминлашда, маслаҳат бериш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамда бошқа ёрдам турларини кўрсатишда уларга кўмаклашади;

ўқувчи-талабаларни Миллий ғоя руҳида тарбиялаш мақсадида уларнинг дунёқараши, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеликни тўғри тушуна олиш малакасини шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий ишларни мунтазам такомиллаштириб боради;

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганади ва ушбу эҳтиёж асосида таълим муассасалари қабул режасига таклифлар киритади;

Республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тасарруфдаги таълим муассасаларида таълим жараёнини йўлга қўйиш ва такомиллаштириб бориш, доимий юксалиб бориши учун зарур тадбирлар ишлаб чиқишда кўмаклашади;

тасарруфдаги таълим муассасаларида янги педагогик услубларни таълим жараёнига тадбиқ этади. Ижодкор, ташаббускор ўқитувчилар, меҳнат жамоалари тажрибаларини тарғиб этиш, уларнинг фаолиятини таълим жараёнига жорий этилишини таъминлайди;

тасарруфдаги таълим муассасаларининг мусиқа ва санъат соҳаларидаги илмий тадқиқот ишларини амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

тасарруфдаги таълим муассасалари тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг таълим жараёни билан боғлиқ таклифлари, ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этади, аниқланган камчиликлар бўйича чоралар кўради, уларни бартараф этиш бўйича вазирлик раҳбариятига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва маданият бошқармаларига таклифлар беради, зарур ҳолларда вазирлик ҳайъати муҳокамасига киритади;

Республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичларидаги таълим жараёнини йўлга қўйиш ва такомиллаштириб бориш, олий, ўрта махсус ўқув юртлари, мусиқа ва санъат ихтисослаштирилган мактаблар ва болалар мусиқа ва санъат мактабларида ижодий салоҳиятни юксалиб бориши учун зарур тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш ҳамда шундан келиб чиқиб, ҳар йили олий таълим муассасаларига қабул режаси миқдорини белгилайди. Қабул режасининг сони тўғрисидаги таклифлар ва керакли ҳужжатларни вазирлик раҳбарияти билан келишган ҳолда тегишли ташкилотларга тақдим этади;

Маданият вазирлиги томонидан ўтказиладиган мусиқа ва санъат йўналишидаги республика ва ҳалқаро танловларини ташкил этишда қатнашади;

Республикамиз ва хорижда бўлиб ўтадиган мусиқа ва санъат соҳасидаги танлов ва фестивалларга тасарруфдаги таълим муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини юборишда иштирок этади ва уларнинг ижодини тарғиб этади;

белгиланган шаклдаги ҳисоботларни, давлат идоралари сўровига биноан бошқа таҳлилий манбаларни, муסיқа ва санъат муассасаларининг истиқболи ва ривожланиш фаолиятини акс эттирувчи ахборотларни тайёрлайди;

республика, вазирлик ва идоралар, ҳудудий ҳокимликлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ижодий уюшмалар, миллий ва маданий марказлар, Ҳамдўстлик ва хорижий давлатлар, хорижий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқалар ўрнатади ва ўзаро манфаатлилик асосида ҳамкорлик қилади;

Маданият вазирлигининг тегишли бошқармалари билан ҳамкорликда иқтидорли ўқувчи ёшларни ва уларнинг ўқитувчи ҳамда концертмейстерларини ижодий сафарларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг Халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган танловлар, фестиваллар ва бошқа турли анжуманлардаги иштирокини таъминлайди;

оммавий ахборот воситалари ҳамда турли тадбирлар орқали муסיқа ва санъат таълим тизими нуфузини кенг жамоатчилик орасида ошириш, мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига кенгайтириш борасида мақсадли ишларни амалга оширади;

маданият таълим муассасаларида долзарб масалалар бўйича назарий анжуманлар ўтказди;

ёшларни жаҳон муסיқасининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш мақсадида, республика ҳамда чет эл санъат усталари билан учрашув ва концертларни ташкил этади ва чет эллардан юқори малакали мутахассисларни шартнома асосида ишга таклиф этишда кўмаклашади;

Республикада ўтказиладиган республика ва халқаро танловлар, кўриклар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун хорижий жамоалар ва алоҳида ижрочиларни таклиф этади;

тасарруфдаги таълим муассасаларида дарс бериш, шунингдек, “Устоз сабоқлари” машғулотларини ўтказиш учун юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва санъат арбобларини таклиф этишда қатнашади;

фестиваллар, танловлар ғолиблари, совриндорлари, қатнашчилари ва кўп йиллар давомида фидоий меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи, концертмейстер ва раҳбар ходимларни давлат мукофотларига тавсия этади;

тасарруфдаги таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичларини ўзида жамлаган ҳолда, маълумотлар базасини шакллантириб, янгилаб боради;

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5.8. Вазирликнинг обрўси ва шаънига путур етказиши мумкин бўлган ахборотларни ва бошқармага тегишли ҳужжатлар юзасидан олиб борилаётган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

VI. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Бошқарма бошлиғи ўринбосари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликга келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

вазирлик, шунингдек тизим ташкилотларининг мансабдор шахсларидан бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чақириладиган таълим муассасалари ва соҳани методологик таъминлаш масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топшириғига кўра ёки ташкилот раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини таълим муассасалари ва соҳани методологик таъминлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, таълим муассасалари ва соҳани методологик таъминлаш ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

вазирлик тизимидаги ташкилотларда вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда масалаларини ўрганиш;

вазирлик, шунингдек тизим ташкилотларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари:

ўзига мазкур лавозим йўриқномаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ҳамда аттестациядан ўтиши шарт.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.3. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган ҳулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

6.4. Иш давомида ёзув қоғозидан оқилон ва тежамкорлик билан фойдаланади.

6.5. Раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради.

6.6. Ички меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилади.

6.7. Мазкур лавозим йўриқномасида баён қилинган зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради.

6.8. Ўз билимларини доимо такомиллаштириб, соҳага оид қабул-қилинаётган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўрганиб боради.

6.9. Вазирликнинг аппарат мажлислари ва Хайъат йиғилишларида иштирок этади.

6.10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

VII. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг малака талаблари

7.1. Бошқарма бошлиғи ўринбосари қуйидаги талабларга жавоб беради:

бошқарма бошлиғи ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирнинг буйруқлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

7.2. Маданият ва санъат соҳасидаги олий касбий маълумотга эга бўлиши;

7.3. Беш йилдан кам бўлмаган ушбу соҳада иш стажига эга бўлиши.

7.4. Истисно ҳолларида Бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига маданият ва санъат соҳасида олий касбий маълумотга эга бўлмаган шахс, уч йилдан кам бўлмаган мазкур соҳада иш стажи мавжуд бўлиши шарти билан тайинланиши мумкин.

VIII. Жавобгарлиги ва ўзаро ўрин босиш

8.1. Бошқарма бошлиғи ва ўринбосари ўзига юкланган лавозим мажбуриятлари тўлақонли бажарилиши учун жавоб беради.

8.2. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида кўриб чиқилишига бевосита жавоб беради.

8.3. Фойдаланиш учун ўзига топширилган мебель, хона жиҳозлари, ташкилий ва маиший техникадан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларни бут сақланишига масъулдир.

8.4. Ўзи иш олиб борадиган хонада ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайди.

8.5. Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда бошқармада ҳужжатлар билан ишлаш, уларни белгиланган тартибда сақланишини таъминлашга шахсан жавоб беради.

8.6. Мазкур лавозим йўриқномаси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

IX. Бошқарма бош мутахассисининг вазифалари ва функциялари

9.1. Бошқарма бошлиғи раҳбарлиги остида иш олиб боради.

9.2. Бошқарма бошлиғи томонидан юклатилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлайди.

9.3. Ўзига юклатилган функционал вазифага жавоб беради.

9.4. Вазирликнинг Ички меҳнат тартиб қоидалари, Бошқарманинг Низоми, иш тақсимоти ва мазкур лавозим йўриқномасига сўзсиз амал қилади.

9.5. Бош мутахассиснингнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини миллий ва умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида такомиллаштиришда қатнашиш;

моддий рағбатлантириш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш;

маданий-маърифий муассасалар ва таълим муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашда кўмаклашиш;

таълим, илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнларини такомиллаштиришда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги номидан бошқа вазирлик ва идоралар тузилмалари билан ҳамкорликда шу соҳада таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришда қатнашиш;

тасарруфидаги таълим муассасаларининг таълим тизимини ташкил этишга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш.

9.6. Бош мутахассис ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

музыка ва санъат мактабларида «устоз-шогирд» анъаналарини ривожлантиради ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокида ижодий учрашувлар ташкил этида қатнашади;

таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўришда кўмаклашади;

жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларини, хорижий мамлакатларда маданият ва санъатни ривожлантиришнинг илғор тажрибасини умумлаштириб боради;

ушбу ютуқларнинг соҳада жорий этилишини таъминлашда қатнашади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда маданият ва санъат соҳасида илмий тадқиқотлар ривожланишига кўмаклашади;

ҳар йили олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш борасида маданият ва санъат соҳасида таклифларни шакллантиради;

ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишга, педагогик технологияларни Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнига истиқболли жорий этишга таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини, педагогик жамоатчилиқни жалб этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

маданият соҳасида мутахассисларни маънавий ва моддий рағбатлантириш бўйича касб маҳорати танловлари ўтказишда, тегишли чора-тадбирларни белгиланишида раҳбариятга кўмаклашади;

таълим, илмий-тадқиқот, хорижий ва халқаро ташкилотлар иштирокида узок муддатли дастурлар, лойиҳалар, режалар лойиҳаларини ишлаб чиқади, уларни бажариш бўйича асосий талабларни белгилашда кўмаклашади;

Вазирлик тизими кадрлари малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлашни, тажриба орттиришларини ва аттестациядан ўтказишни таъминлашда тегishiли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

мамлакатимиз таълим муассасаларида дарс бериш ва маҳорат дарсларини ўтиш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочиларини ҳамда маданият ва санъат арбобларини, етук педагог-мутахассисларини таклиф қилишда қатнашади;

маданият ва санъат бўйича ўқув дастурлари, қўлланмалар ва бошқа илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек, уларни тасдиқлаш учун бошқарма бошлиғи ва ўринбосарида тақдим қилади;

соҳада профессионал малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, педагог кадрларнинг салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштирда қатнашади;

мактабгача таълим муассасаларида бошланғич музыка тушунчаларини шакллантирувчи (фольклор музыка, академик мумтоз музыка, эстрада музыкаси) махсус адабиётлар яратилишини таъминлашда қатнашади ва болалар ижро репертуарини шакллантиришда кўмаклашади;

соҳадаги бошланғич, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълимнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш ҳамда таълим сифатини ошириш чораларини ишлаб чиқишда қатнашади;

соҳада илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, илмий натижаларни амалиётга жорий этиш ҳамда санъат аҳлининг меҳнат ва ижод шароитини яхшилаш чораларини кўришда қатнашади;

жаҳоннинг машҳур маданият ва санъат муассасалари билан тажриба алмашиш ва малака ошириш тизимини ишлаб чиқишда таклифлар тайёрлайди;

хорижий ва миллий анъанавий таълим тизимининг энг яхши ютуқларидан, шунингдек, соҳада таълимни ривожлантиришга асосланган технологиялардан кенг фойдаланади;

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият органлари ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда ва уларни ахборот билан таъминлашда, маслаҳат бериш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамда бошқа ёрдам турларини кўрсатишда уларга кўмаклашади;

ўқувчи-талабаларни Миллий ғоя руҳида тарбиялаш мақсадида уларнинг дунёқараши, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеликни тўғри тушуна олиш малакасини шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий ишларни мунтазам такомиллаштириб боришда қатнашади;

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганади ва ушбу эҳтиёж асосида таълим муассасалари қабул режасига таклифлар киритади;

Республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тасарруфдаги таълим муассасаларида таълим жараёнини йўлга қўйиш ва такомиллаштириб бориш, доимий юксалиб бориши учун зарур тадбирлар ишлаб чиқишда таклифлар тайёрлайди ва амалга оширилишида бошқарма бошлиғи ва ўринбосарига кўмаклашади;

тасарруфдаги таълим муассасаларида янги педагогик услубларни таълим жараёнига тадбиқ этилишида, ижодкор, ташаббускор ўқитувчилар, меҳнат жамоалари тажрибаларини тарғиб этиш, уларнинг фаолиятини таълим жараёнига жорий этилишини таъминлашда кўмаклашади;

тасарруфдаги таълим муассасалари тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг таълим жараёни билан боғлиқ таклифлари, ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этади, аниқланган камчиликлар бўйича чоралар кўриш учун бошқарма бошлиғига таклифлар беради, уларни бартараф этиш бўйича раҳбариятга таклифлар беради, зарур ҳолларда вазирлик ҳайъати муҳокамасига киритиш учун тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичларидаги таълим жараёнини йўлга қўйиш ва такомиллаштириб бориш, олий, ўрта махсус ўқув юртлари, мусиқа ва санъат ихтисослаштирилган мактаблар ва болалар мусиқа ва санъат мактабларида ижодий салоҳиятни юксалиб бориши учун зарур тадбирлар ишлаб чиқишда ва амалга оширишда кўмаклашади;

Маданият вазирлиги томонидан ўтказиладиган мусиқа ва санъат йўналишидаги республика ва ҳалқаро танловларини ташкил этишда қатнашади;

Республикадаги ва хорижда бўлиб ўтадиган мусиқа ва санъат соҳасидаги танлов ва фестивалларга тасарруфдаги таълим муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини юборишда иштирок этади ва уларнинг ижодини тарғиб этишда кўмаклашади;

белгиланган шаклдаги ҳисоботларни, давлат идоралари сўровига биноан бошқа таҳлилий манбаларни, мусиқа ва санъат муассасаларининг истиқболи ва ривожланиш фаолиятини акс эттирувчи ахборотлар лойиҳаларини тайёрлайди;

оммавий ахборот воситалари ҳамда турли тадбирлар орқали мусиқа ва санъат таълим тизими нуфузини кенг жамоатчилик орасида ошириш, мактаб ёшидаги

болаларни таълим муассасаларига кенгайтириш борасида мақсадли ишларни амалга оширишда кўмаклашад;

маданият таълим муассасаларида долзарб масалалар бўйича назарий анжуманлар ўтказишда қатнашади;

тасарруфдаги таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичларини ўзида жамлаган ҳолда, маълумотлар базасини шакллантириб, янгилаб боради;

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9.6. Бош мутахассис:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажариш;

ўзига виза қўйилган ҳужжатларнинг ва ўзи берган хулоса лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги;

ўзининг фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг амалга оширилиши учун жавобгардир.

9.7. Бош мутахассис ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Х. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур лавозим йўриқномада Бошқарма ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг сифатли ва белгиланган муддатларда бажармаганлиги, ижро интизоми ва ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилмаслиги, хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги, вазирликнинг моддий бойликларига зарар етказганлиги, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда вазирликнинг идоравий норматив ҳужжатларида белгиланган расмий ҳужжатларнинг махфийлигини таъминламагани учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур лавозим йўриқномасига қонун ҳужжатлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.